

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2 босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-427-сонли қарори ижроси таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг Қарз маблағлари ҳисобидан Қишлоқ жойларидаги уй-жой объектларида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва оқова сув тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ КФР- 2021-09

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 14 сентябрь

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган №1024 сонли Қарз келишувига асосан «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2 босқич)» Лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойиларига мувофиқ ўтказилади. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг куйида келтирилган Лотлар бўйича маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Қурилиш муддати 4 (Тўрт) ойни ташкил этади.

А) Бухоро вилоятининг қишлоқ жойларида жами 7 дона 50-60-100м³ ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ва 6 дона 6-8-10-15м³ ҳажмдаги канализация насос станцияси ҳамда 8,179 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш **(Қурилиш муддати 4 (тўрт) ойни ташкил этади).**

Б) Тошкент вилоятининг қишлоқ жойларида жами 8 дона 50-75-100 м³ ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини қуриш **(Қурилиш муддати 4 (тўрт) ойни ташкил этади).**

2. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойиларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан янги тартибга мувофиқ рейтинг тизимига кирган «СС» **ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар учун очик.

3. Янги тартибга мувофиқ маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқларини қурилишида рейтинг тизимига кирган «СС» **ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг

марказларига қуйида кўрсатилган манзил бўйича иш кунлари соат 10-00 дан 17-00 гача мурожаат қилишлари мумкин:

Бухоро вилояти	Тошкент вилояти
Адрес: Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси 6. Телефон: (8 365) 223-96-29 Факс: (8 365) 223-97-51	Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 18. Телефон: (71) 241-15-37 Факс: (71) 241-15-26

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва _____ км оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим. Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб «СС» ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

Бухоро вилояти	Тошкент вилояти
Банк: ОАКБ Ипотека-банк Бухоро филиал ИНН: 202435424 МФО:00119 Х/р:20210000903550909001	Банк: «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ ИНН: 300017720 МФО:01102 Х/р: 20210000504546027001

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган кундан бошлаб (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадвалда (жадвалга қаранг) кўрсатиб ўтилган муддатдан олдин вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил Этиш ҳудудий консалтинг марказлари томонидан қабул қилинади. Жадвалда кўрсатиб ўтилган муддатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифларини топшириш муддати миллий байрамга тўғри келса, таклиф топшириш муддати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги **декларация** таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифларининг очилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштироқида қуйидаги жадвал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охири кунда бўлиб ўтади.

Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:

Бухоро вилояти ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
Адрес: Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси 6. Телефон: (8 365) 223-96-29 Факс: (8 365) 223-97-51	Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй. Тел: (71) 232-80-12

8. Белгиланган муддатдан кечикиб топширилган тендер таклифлари рад этилади ва тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

ТАКЛИФ № КФР -2021-09

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармониغا асосан 2021 йилда Қувайт Араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида "Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)" лойиҳаси доирасида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари (МОСТИ)ни ўрнатиш ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Лот №	Туман номи	Массив номи	Маҳаллий оқова сув тозалаш иншооти (МОСТИ) ҳажми м ³	Канализация насос станцияси (КНС) ҳажми м ³	Оқова сув тармоғи (канализация) узунлиги (км)	Қурилиш муддати	Таклифларни топширишнинг охириги муддати
Бухоро вилояти			7 дона 50-60-100м³	6 дона 6-8-10-15 м³	8,179 км		
КФР-125	Олот	Халифа	1 дона 100 м ³	1 дона 15 м ³	2,313	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
КФР-126	Пешку	Янгибозор		1 дона 6 м ³	0,378	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
	Шофиркон	Мирзокул	1 дона 50 м ³	1 дона 8 м ³	0,179		
КФР-127	Ромитан	Бобур	1 дона 50 м ³		0,456	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
КФР-128	Жондор	Навгади	1 дона 50 м ³		0,596	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
	Қоракўл	Қоракўл		1 дона 8 м ³	0,655		
КФР-129	Когон	Сухор	1 дона 50 м ³	1 дона 8 м ³	0,253	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
	Қаровулбозор	Навбахор			0,121		
	Бухоро	Работак	1 дона 50 м ³		0,568		
КФР-130	Вобкент	Дўстлик	1 дона 50 м ³	1 дона 10 м ³	2,660	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-00
Тошкент вилояти			8 дона 50-75-100- м³				
КФР-131	Бекобод	Янгибозор	1 дона 100 м ³			4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-132	Бўка	Янгибоғ	1 дона 50 м ³			4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-133	Қибрай	Меҳнат	1 дона 100 м ³			4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-134	Қуйичирчиқ	Ибрат	1 дона 75 м ³			4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-135	Пискент	Ғайрат	1 дона 100 м ³			4 ой (тўрт ой)	2021 йил 14 октябр,

							соат 11-30
КФР-136	Тошкент	Истиқбол	1 дона 100 м ³				4 ой (тўрт ой) 2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-137	Янгийўл	Аҳил	1 дона 100 м ³				4 ой (тўрт ой) 2021 йил 14 октябр, соат 11-30
КФР-138	Ўртачирчик	Уйғур	1 дона 75 м ³				4 ой (тўрт ой) 2021 йил 14 октябр, соат 11-30

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар
олиш учун «Қишлоқ қурилиш инвест»
МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш
ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

Вилоят	Лот №	Талаб этилган йиллик ўргача айланма маблағ (млн сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (млн сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги 1 шартнома (млн сўм)	Умумий иш малакеси (йил)	Сўнги 3 (уч) йилда ___ тадан кам бўлмаган маҳаллий оқова сув тозалаш ишюотларини ўрнатил бўйича қурилиш ишларини яқунлаганлиги	Бажарган ер ишлари ҳажми (м ³)	Бажарган бетон ишлари ҳажми (м ³)	Охириги 3 (уч) йил давомида бир шартнома бўйича диаметри 160 дан 200 мм гача бўлган металл бўлмаган қувурлардан канализация тармоқларини тортиш ишларини яқунлаш	
									бир ойда камида __ п. м. миқдорида	умумий узунлиги __ п. м. дан ортик
Наманган	КФР-125	2 985,0	498,0	1 591,0	3	3	3000	100	500	2000
	КФР-126	1 835,0	305,0	978,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-127	2 893,0	482,0	1 545,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-128	2 022,0	337,0	1 078,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-129	2 870,0	479,0	1 531,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-130	2 431,0	450,0	1 297,0	3	3	3000	50	500	2000
Тошкент	КФР-131	1 180,0	201,0	628,0	3	3	2000	100	500	1000
	КФР-132	720,0	721,0	385,0	3	3	2000	100	500	1000
	КФР-133	1 180,0	201,0	628,0	3	3	2000	100	500	1000
	КФР-134	1 200,0	205,0	640,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-135	1 180,0	201,0	628,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-136	1 180,0	201,0	628,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-137	1 200,0	205,0	640,0	3	3	2000	50	500	1000
	КФР-138	1 180,0	201,0	628,0	3	3	2000	50	500	1000